

## Нефть маҳсулотларини сотиш ҳақидаги

2-сонли ШАРТНОМА

Фарғона шахри

2022 й. “089

Кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб аталувчи “Фарғона нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти Олтиарик филиали номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори А.Шарипов бир томондан ва “Истеъмолчи” деб аталувчи

Дебаркес тушени С 20 бо месуб

номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари

Ч.Б. Ҳамероев иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланган ўртача котировка нархларида “Истеъмолчи”га сотади.

1.2. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини қўйиб “Истеъмолчи”га сотади.

1.3. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдордаги нефтьмаҳсулотлариниетказиб бериш, “Истеъмолчи” эсаётказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.4. “Таъминотчи”нинг (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфида мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁТШларида) “Истеъмолчи”нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га 1 суткага 3580 сўм микдорида хизмат ҳақи тўлайди.

“Таъминотчи” (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи”га ҳар ой якуни бўйича алохида хисоб-варақа (счёт-фактура) тақдим этади.

“Истеъмолчи” хисоб-варақа (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (үн) кун мобайнида тўловни амалга оширади.

1.5. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаш жараёнида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб “Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш, бериш ва ҳисобга олиш бўйича

Йўриқнома”га асосан ҳар ой якуни бўйича “Истеъмолчининг” нефть маҳсулотига “табиий йўқотиши” қўллади (табиий йўқолган нефть маҳсулоти “Таъминотчи” томонидан қоплаб берилмайди).

## 2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Шартноманингтахминийумумийсуммаси ~~2251000~~ сўмниташкилқилади.
- 2.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси олинган куни сотилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишлихажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи”нинг банкдаги ҳисоб ракамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

## 3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари “Таъминотчи”нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов хужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг сўровига асосан “Таъминотчи”нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефтьмаҳсулотлари омборига нефтьмаҳсулотиниташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор худудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қўйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда “Таъминотчи” жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Таъминотчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

## 4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий хужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли хужжатлар “Таъминотчи”нинг омборида ёки унга қарашли филиаллардара расмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик хуқуқи тасодифий

нобуд бўлиши, нефтьмаҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омбори ёки АЁКШхудудидан чиқсан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

## 5. НЕФТЬМАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини сотишни кафолатлайди. Сотилаётган нефтьмаҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефтьмаҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда кайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш хуқуқига эга.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. “Таъминотчи” нефть маҳсулотларини ўз вактида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечикирилган қун учун вактида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлади.

6.3. “Таъминотчи” нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлади.

6.4. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Таъминотчи”га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш хуқуқига эга.

6.5. “Истеъмолчи” ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрларига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.6. “Истеъмолчи” етказиб берилган нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу ҳаракатларга йўл кўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни ёнгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошкини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошка табиий оғатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктиносидий судлар орқалиҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартноматомонлар ўртасида имзоланганкунданкучгакирадива 2022 йил 31 декабргачаамал қиласи.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### “ТАЪМИНОТЧИ”

“Фарғона нефт базаси” МЧЖ  
Манзили: Тинчлик шахарчаси  
Шодлик кўчаси 74-үй.  
СҚБ Яшнобод филиали  
х/р: 2260400100215485704  
МФО: 00432  
ИНН: 201104250

Рахбар:  
**M.Y.**

А.Шарипов



### “ИСТЕЪМОЛЧИ”

Манзил: Олмадарес ё созиб ёзуби  
X. Олмесев дебе ёзуби  
х/р: 40142286030203708410054004  
ИНН: 200184 633  
МФО: 00014



Рахбар:  
**M.Y.**

У.Б.Хамроев

## ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Конуни ва бошқа қонун хужжатлари талабларига жавоб беради. Ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Юридик бўлим бошлиғи:

**Н.Ахунташев**

11285

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№ PD58306100**

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi:

“Farg'ona neft bazasi” MCHJ bilan Oltiariq tumani SEO va JSX bo’limi o’rtasida maxsulot yetkazib berish to’g’risidagi 2022 yil 08 yanvar kungi 2-sonli shartnoma.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi Oltiariq tumani SEO va JSX bo’limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o’tkazish uchun 2022 yil 10 yanvar kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tasdiqlab, ijroga qaratish mumkin.

**Markaz bosh yuriskonsulti**



**A.Shokirov**

**2022 yil 17 yanvar**